

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ  
УНИВЕРСИТЕТИ

“КЕЛИШИЛГАН”

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта  
махсус таълим вазирлигининг биринчи

ўринбосари

DEVONXONA

Ф. Ризаев

“19” июль 2014 й.

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари  
университети ректори

Ш. Қаюмов

“18” июль 2014 й.

ЧЕТ ТИЛИ ФАНИ БЎЙИЧА МАГИСТРАТУРАГА КИРУВЧИЛАР  
УЧУН НАМУНАВИЙ ФАН ДАСТУРИ

Тошкент - 2014

### **Тузувчилар:**

- |                |   |
|----------------|---|
| Ирискулов М.А. | Республика тил ўқитиш маркази директори,<br>ф.ф.н., профессор         |
| Икромов Т.Т.   | Республика тил ўқитиш маркази кафедра<br>мудири, ф.ф.н., доцент       |
| Мўминов О.М.   | Таржимашунослик назарияси ва амалиёти<br>кафедраси профессори, ф.ф.н. |

### **Такризчилар:**

- |                   |  |
|-------------------|--|
| Қамбаров Н.М.     | ЎзДЖТУ Таржимашунослик назарияси ва<br>амалиёти кафедраси мудири, ф.ф.н., доц. |
| Ибрагимходжаев И. | ТДИУ чет тиллар кафедраси доценти, ф.ф.н.                                      |

Ушбу намунавий дастур Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий кенгашининг мажлисида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2014 йил “26” июлдаги 11-сонли баённома).

## **Кириш**

Мазкур намунавий дастур Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг нофилологик таълим йўналишларини муваффақиятли тамомлаб, ўз мутахассислиги бўйича магистратурага ўқишга кирувчилар учун мўлжалланган. Намунавий дастур магистратурага кирувчиларнинг чет тили бўйича асосий нутқ фаолият турлари бўйича билимларини синовдан ўтказишга қаратилган.

Олий таълим тизимида чет тилини ўқитиш нофилологик таълим йўналишлари учун Давлат таълим стандартлари талабларига мос равишда чет тилини мукамал эгаллаган мутахассис кадрлар тайёрлашнинг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Мазкур намунавий дастур доирасида синов топширувчи талабгорлар ўрганилаётган тилнинг муайян дастурлар асосидаги орфографик, орфоэпик, грамматик, лексик ва стилистик нормаларини эгаллашлари, уларнинг барча нутқ фаолияти турларида ёзма ва оғзаки шаклда тўғри қўллай олишлари талаб этилади.

### **Чет тили бўйича талабгорларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар**

Магистратурага кирувчи талабгорлар чет тили бўйича бакалаврият таълим йўналишида эгалланган қуйидаги билим, кўникма ва малакаларга эга бўлишлари керак:

- чет тилининг морфологик тузилиши ва товуш тизими;
- чет тилининг меъёрий грамматика асослари, мулоқотнинг оғзаки ва ёзма турлари;
- нутқнинг диалогик ва монологик шакллари ҳақида тасаввурга эга бўлиши;
- чет тилининг замонавий ҳолати тавсифи, ёзув, орфография, пунктуация, лексик-грамматик туркумлар масалалари;
- чет тилининг тил грамматик ва синтактик хусусиятлари, содда ва қўшма гаплар;

- чет тилида сўзловчи шахсларнинг кенг тарқалган кундалик ва касбий вазиятларда сўзлаган нутқини тушуна олиш ҳамда улардан ўзи учун зарур бўлган ахборотни олиш;
- турли жанрга оид матнларни чет тилидан она тилига ва она тилидан чет тилига оғзаки ва ёзма шаклларда таржима қилишни билиш ва улардан фойдалана олиш;
- чет тилида бошқа шахслар билан касбий ва маиший вазиятларда жонли мулоқот олиб бориш, маъруза қилиш;
- чет тили ва ўқитиш олиб борилаётган тилдаги маълумотларни қўллаб аннотация, реферат, маълумотлар тузиш;
- янги информацион технологиялардан касбга йўналтирилган мақсадларда фойдалана олиш кўникмаларига эга бўлиши керак.

### **Нутқ фаолияти турлари бўйича талаблар**

#### **Гапириш**

Талабгор монологик нутқ доирасида ўрганилган мавзу бўйича чет тилида равон гапира олиши, муайян матн мазмунини гапириб бериши, диалогик нутқ доирасида кундалик, мутахассислик мавзуларида суҳбат олиб бориши, саволларга талаб даражасида жавоб бера олиши керак.

#### **Тинглаб тушуниш**

Талабгор чет тили материалига таянган ҳолда кундалик, мутахассислик мавзудаги, мамлакатшунослик ва ихтисослик бўйича монологик ва диалогик нутқни тушуна олиши керак.

#### **Ўқиб тушуниш**

Талабгор ўқишнинг барча турлари бўйича чет тилидаги кундалик, мутахассислик, ижтимоий-сиёсий ва илмий-оммабоп мавзудаги матнни ўқий олиши, тушуна олиши ҳамда амалиётда қўллай олиши керак.

## Ёзув

Талабгор орфоэпик ва орфографик тил қоидаларига амал қилган ҳолда ўз фикрини ёзма баён қилиши, чет тили материаллари доирасида маълум бир матнни ёзма таржима қила олиши керак.

### **Чет тили бўйича магистратурага кириш синовлари мавзулари ва уларнинг мазмуни**

1. Оила ва жамият.
2. Талабалик ҳаёти.
3. Дўстлик. Энг яқин дўстим.
4. Мулоқот ва унинг турлари. Телефон орқали мулоқот.
5. Мутахассислик ва касбий фаолият.
6. Тили ўрганилаётган мамлакат географияси, иқлим шароитлари.
7. Тили ўрганилаётган мамлакат аҳолиси, давлат тузилиши.
8. Ўзбекистон Республикасининг давлат тузилиши.
9. Тили ўрганилаётган мамлакат шаҳарлари.
10. Ўзбекистоннинг туристик шаҳарлари.
11. Ўзбекистоннинг миллий байрамлари.
12. Тили ўрганилаётган мамлакатнинг миллий байрамлари.
13. Тили ўрганилаётган мамлакатнинг урф-одатлари, анъаналари.
14. Ўзбекистон Республикасининг ва тили ўрганилаётган мамлакатнинг миллий рамзлари.
15. Ўзбекистон ва тили ўрганилаётган мамлакатда адабиёт ва санъат.
16. Ўзбекистон ва тили ўрганилаётган мамлакатда спорт.
17. Ўзбекистон ва тили ўрганилаётган мамлакатда туризм.
18. Ўзбекистон ва тили ўрганилаётган мамлакатларнинг миллий таомлари.
19. Харид қилиш. Бозор ва супермаркет.
20. Меҳмонхонага буюртма бериш ва унда яшаш.
21. Экология ва саломатлик.

22. Ўзбекистонда таълим тизими.
23. Тили ўрганилаётган мамлакат таълим тизими.
24. Жамиятда аёлларнинг тутган ўрни.
25. Ўзбекистон ва тили ўрганилаётган мамлакат ўртасидаги маданий алоқалар.
26. Бизнес коммуникацияси (Business Communication).
27. Бошқарув (Management).
28. Мажлисларни олиб бориш (Conducting Meetings).
29. Телефон орқали мулоқот (Telephone Conversation).
30. Бизнесга оид хатларни ёзиш (Business Letters).

### **Чет тили бўйича синовнинг мазмуни ва тузилиши**

Чет тилидан синовда талабгор бакалаврият таълим жараёнида эгаллаган билим ва кўникмаларини намойиш этиши керак. У ўрганилаётган тилнинг орфографик, грамматик ва лексик нормаларини эгаллаган бўлиши ва уларни нутқ фаолиятининг барча турларида қўллай олиши керак. Чет тилидан синов куйидаги топшириқларни ўз ичига олади:

1. Чет тилидаги матнни ўқиб тушуниш ва матн бўйича савол ва топшириқларни бажариш (Матн ҳажми - 200 та сўз).
2. Дастур доирасида ўрганилган мавзулардан бирини ёзма баён қилиш;
3. Дастур доирасида ўрганилган мавзулар доирасида гапириш ва суҳбат олиб бориш.

### **Баҳолаш мезонлари**

Магистратурага кириш синовининг ўқиб тушуниш бўлими 15 балл билан баҳоланади. Талабгор 200 та сўздан иборат матнни ўқиб тушуниши ва матн бўйича савол ва топшириқларни бажариши керак. Матн бўйича 10 та савол ва топшириқ берилади ва уларнинг ҳар бири 1,5 баллгача баҳоланади. Бу бўлимга 45 дақиқа вақт ажратилади.

Магистратурага кириш синовининг ёзма иш бўлими 15 балл билан баҳоланади. Талабгорлар бакалаврият босқичида ўзлари ўрганган

мавзулардан бири бўйича 200 та сўздан кам бўлмаган эссе ёзадилар. Бу бўлимга 45 дақиқа вақт ажратилади ва талабгорнинг билими қуйидаги мезонлар асосида баҳоланади:

- эссенинг мазмунан бойлиги ва мавзу моҳиятининг тўлиқ очиб берилганлиги – 5 баллгача;
- фикрларнинг мантиқан кетма-кетлиги ва бир-бирини тўлдириб бориши – 5 баллгача;
- эссенинг грамматик, стилистик ва орфографик хатоларсиз ёзилиши – 5 баллгача.

Магистратурага кириш синовининг гапириш бўлими 20 балл билан баҳоланади. Бу бўлим бўйича талабгорнинг билими қуйидаги мезонлар асосида баҳоланади:

- мавзу бўйича ўз фикрини аниқ ва мазмуний кетма-кетликда ифодалай олиши – 5 баллгача;
- ўз нутқида кириш сўзлардан, грамматик боғловчи элементлардан тўғри фойдалана олиши – 5 баллгача;
- турли лексик бирликларни қўллаш орқали фикрини аниқ етказа олиши ва ўз нуқтаи назарини ҳимоя қила олиши - 5 баллгача;
- сўзларни тўғри талаффуз қилиш ва интонация қоидаларига амал қилиши – 5 баллгача.

## **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Ismailov A.A., Fyodorov V.A. Home Study Book (Zero level, Elementary level). Tashkent, 2008.
2. Ismailov A.A., Fyodorov V.A., Morozova O. English for market economy. Tashkent, 2008.
3. Shiach Don. How to write essay. – Oxford, 2009.
4. Hewings M. Advanced Grammar in use. Cambridge, 1998.
5. Slobodkina N.A., Abduraimova B., Rustamova Z., Tukhlieva G. Practical English Grammar. Tashkent, 2011.
6. Аловуддинова Х., Ражабова Д., Қамбаров Н., Икромов Т. English for ICL and ECP Learners. Tashkent, 2012.